

## **СОЛИҚ СОЛИШ МАҚСАДИДА КҮЧМАС МУЛКЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

**Вафоева Манзура Рейимбергеновна**

Тошкент ирригация кишлоқ хужалигини механизациялаштириш мухандислари  
институти Миллий тадқикот университети

### **Аннотация**

Маҳаллий бюджет даромадлари таркибида кўчмас мулкдан олинадиган маҳаллий солиқлар асосий даромад манбанини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ, мол-мулк фуқаролик хуқуqlари обьекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади.

**Калит сўзла:** Кўчмас мулк, Бозор қиймати, кўчмас мулкни баҳолаш, кўчмас мулкни баҳолашнинг даромадлар усули алгоритми, бозор қиймати, харажат усули ва унинг хусусиятлари.

### **Кириш**

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларини, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларнинг асосий қисмини солиқлар орқали тўплайди. Жумладан, солиқлар республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиради, давлат ижтимоий дастурлари учун молиявий негиз яратади, солиқ тўловчи шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошқаради, уларнинг табиий ресурслардан унумли фойдаланишга бўлган интилишини рағбатлантиради, нарх белгилашга таъсир кўрсатади, аҳолининг турмуш даражасини тартибга солиб туради. Шунинг учун солиқлар орқали шаклланган маблағларнинг энг кам миқдори давлат вазифаси бажарилишига тегишли энг кам харажат ҳажми билан боғлиқ бўлади ва шу ҳажм билан чегараланади.

Мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичларини ифодаловчи асосий макроиктисодий кўрсаткичлардан бири - бу шубҳасиз унинг бюджетидир. Малумки, унда бюджет таснифига кўра давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатлари, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбалари ифодаланади.[1]

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига асосан: Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг тузилиши республиканинг мустақил давлат ва маъмурий - ҳудудий тузилиши билан белгиланади. Таркибига республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни олиб, тузиладиган ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш давлат режасига мувофиқ равишда даромад ва харажатлар бўйича тузилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида республика бюджети катта аҳамиятга эга. Республика бюджети – давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Шу сабабли республика бюджетига асосий солиқлар даромад қилиб бириктирилган.[2]

Бюджет тизимида унинг даромадларини шакллантириш жараёни бир қадар мураккаб бўлиб, доимий равишда унинг мақбул механизмини ишлаб чиқиш учун назарий ва амалий изланишлар олиб борилади. Бунда мавжуд ресурсларни турли бюджет бўғинлари ўртасида тақсимлаш алоҳида ўрин эгаллаб, уни ҳар томонлама тадқиқ этиш ва ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга қаратилган йўналишларни белгилаш республика солиқ тизимини ислоҳ қилишда долзарб аҳамият касб етади.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб солиқлар бўлишини ҳисобга олган ҳолда, уларни мамлакат бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимлашнинг назарий ва ҳуқуқий масалаларини ҳар томонлама ўрганиш мухим аҳамиятга эга.

Республикамиз солиқ тизимидағи мавжуд солиқларни бюджет бўғинлари ўртасида тақсимлашнинг амал қилиш механизмига кўра, улар ҳар бирининг у ёки бу бюджет бўғинига йўналтиришнинг ҳуқуқий базаси мавжуд. Республика бюджети даромадлари умумдавлат солиқлари ҳисобига, маҳаллий бюджетлар даромадлари эса маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ҳисобига шакллантиришнинг ҳуқуқий базаси мустаҳкамланган.

**Маҳаллий бюджет** – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.[3]

**Давлат бюджети** – давлатнинг вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси.[4]

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган субвенциялар ўтказиб бериладиган даромадлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг навбатдаги тартибга солувчи даромадлари ҳисобланади

### **Хулоса ва таклифлар.**

Солиқ тизими маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тамойиллариiga тўлиқ мос келмай, солиқ қонунчилиги ва маҳаллий бюджетларни ташкил этишининг ҳуқуқий асосларида маълум зиддиятли ҳолатлар мавжуд.

Худудий сиёсатнинг асосий мақсади давлатнинг ягоналигини сақлаган ва мустаҳкамланган ҳолда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлариiga қўпроқ мустақиллик бериш ва уларнинг масъулиятларини оширишдан иборат. Худудлар мустақиллик даражасининг ўсиши ҳудудларнинг республика билан иқтисодий ва аввало бюджетлар ўртасидаги муносабатлар тизимини такомиллаштиришни талаб етади.

Жаҳон амалиёти тасдиқлашича, бюджет тизимининг шаклланиши ҳар қандай давлатда узоқ давом этадиган жараёндир, идеал ҳолдаги бюджет

қурилиши мадели бўлиши мумкин эмас. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республикамиз солиқ тизимини такомиллаштиришда турли ҳокимият органларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича ваколатларини янада аниқлаштириш ва бунда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг бу борадаги ваколатларини ошириш муҳим йўналиш қилиб белгиланиши лозим.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси
2. Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б. ва бошқалар. Кўчмас мукни баҳолаш. “Фан”. Т.: 2005 й. 240 б
3. Тэпман Л.Н. Оценка недвижимости. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.-133 с
4. Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б. ва бошқалар. Кўчмас мукни баҳолаш. “Фан”. Т.: 2005 й. 240 б
5. Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б. ва бошқалар. Кўчмас мукни баҳолаш. “Фан”. Т.: 2005 й. 240 б
6. Тўйчиев Н.Ж., Мирхошимов А.М., Плахтий К.А. Кўчмас мулкни баҳолаш асослари. Ўкув қўлланма. - Тошкент: Адолат, 2000, - 280 б.